ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ка... 147795
Ўзб. ССР Давлат нашриёт қўмитаси

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 13 июль, пайшанба. №84 (21.847.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги раҳбари ўринбосари Томас Дайнни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб, мамлакатимиз ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлашга тайёрлигини таъкидлади. Бу алоқаларни мустаҳкамлашда жаноб Томас Дайн раҳбарларидан бири бўлган агентлик ҳам сезиларли ҳисса қўшаётганини айтди.

Томас Дайн АҚШ ҳукумати Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганини айтди. У ташрифи давомида мамлакатимиздаги бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарлари билан музокаралар ўтказгани, Нукусдаги экология муаммолари билан яқиндан танишгани ҳақида сўзлаб, ушбу учрашувлар келгусидаги ҳамкорлик учун яхши замин бўлажагини таъкидлади.

Суҳбат чоғида иқтисод, сиёсат, молия, экология ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни равнақ топтириш борасида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).



Суратда: қабул пайти. Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази кенгашининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Марказ раҳбари Эркин Юсупов аризасига кўра вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов марказ раҳбари этиб сайланди.

Йиғилишда Президент Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев нутқ сўзлади. Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов қатнашди.

(ЎзА).

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Хоразм вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса, она ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур? Вилоят фаолларининг йиғилиши ана шу масалага бағишланди. Унда республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов сўзга чиқди.

Йиғилишда вилоят ҳокими М. Жуманиёзов қатнашди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда 1995 йил биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов бошқарди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари—«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов йиғилишда нутқ сўзлади.

***

Хоразм вилояти фаолларининг ҳам ана шу масалага бағишланган йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокими М. Жуманиёзов сўзга чиқди.

(ЎзА).

Диққат, янгилик!

МАРЖУМАККА ИХЛОС

Қўрғонтепа туманидаги «Қорасув»жамоа хўжалиги деҳқонларининг изланувчанлиги эл дастурхонининг тўкин бўлишига хизмат қиляпти. Улар буғдойдан бушаган майдонларнинг 60 гектарига маржумак (гречиха) экишга киришдилар.

Хўжалик деҳқонлари ўтган йили тажриба тўпладилар. 100 килограмм маржумак уруғи Татаристондан келтириб экилди. 55-60 кунда пишиб етилган ҳосил комбайндан ўтказилганда гектар ҳисобига 500 килограммдан дон олинди.

Мутахассисларнинг айтишича, маржумак парвариш қилиш технологияси буғдой билан деярли бир хил. Ернинг қуввати жойида бўлса, гектаридан 16 центнергача ҳосил олиш мумкин. Яна бир томонибу экин атроф-муҳитни мусаффолаштиришда ҳам ўзига хос ўрин тутади. Маржумак айни гуллаган вақтда дала атрофи ёқимли ифорга тўлади. Унинг гули, нектарига тўйган асалари шифобахш ва хушталъм асал беради.

Янгиликни кенг қулоч ёйдириш ниятида жамоа хўжалиги мутахассислари маржумакни тозалайдиган тегирмонни Россиядан келтириш ҳаракатида бўлаяптилар.

Қорасувликлар бошлаган янгиликни Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ», Андижон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам қўллаб, ғалладан бўшаган ерлар ўрнига маржумак экяптилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КИТОБЛИКЛАР ЗАФАРИ

Ҳар йилнинг ўз хислати бор. Китоб тумани ғаллакорлари давлатга бу йил 23 минг тонна дон сотиб, режани вилоятда биринчи бўлиб адо этишди.

— Ҳаммаси бўлиб 12 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерга эгамиз, - дейди туман ҳокими О.Пармонов. - Вилоятнинг асосий ўзуми, сабзавоти шу туманда етиштирилиб келинмоқда. Шунга қарамай 7,3 минг гектар суғориладиган, лалми ерларни қўшганда, жами 16 минг гектар майдонда ғалла етиштирилди. Ғаллакорларимизнинг пешона териси зое кетмади. Туман бўйича суғориладиган ҳар гектардан режадаги 34 центнер ўрнига 35 центнердан, лалми ерларда 11 ўрнига 15 центнердан ҳосил кўтарилмоқда.

Туман ғаллакорлари бу йил жами 36 минг тонна дон етиштириш, давлатга яна 1000 тонна ғалла сотишга аҳд қилишган. Айни кунларда ғаллазорлардаги қолган донни нобуд қилмай ўриб-янчиб олиш учун кураш қизғин давом этмоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Соғлом авлод

ХОРИЖДА КАСБ ЎРГАНИБ

* ТОШКЕНТ. Вилоятдан тўпланган 52 нафар йигит-қиз Жанубий Кореяда икки ойлик корейс тилини ўзлаштириш курсини тугатдилар.

Улар Кореянинг Сеул, Пусан, Тегу шаҳарларида ҳозир касб ўрганмоқдалар. Кўп ўтмай ўрта маълумотли, ҳарбий хизматни ўтаган, ҳунарга чанқоқ ёшлардан яна бир гуруҳи Жанубий Корея сафарига йўл олиши керак. Бу гал 200 нафар ёшлар Меҳнат вазирлиги ва Тошкент вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси йўлланмаси билан хорижда касб ўрганишга боради.

Надежда ЖУРАВЛЁВА.

Мерос

БОБОМИЗ ТАРИХИГА НАЗАР

* ХОРАЗМ. (мухбиримиздан). Вилоятда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган хайрли ишлар қилинмоқда.

Урганчдаги 12-мактабда жаҳонгир таваллуди муносабати билан вилоят миқёсида илмий-амалий конференция ўтказилди. Йиғилишда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти, шаҳар ва туман халқ таълими бўлими ходимлари, ўрта мактабларнинг ташкилотчилари иштирок этдилар. Ўқувчилар соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қимматли материаллар билан таништирилди. Саҳна кўринишлари, ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Қулайлик

КОНИ ФОЙДА БЎЛМОҚДА

*ЖИЗЗАХ. «Ўзбекавтогаз» ҳудудий бошқармасига қарашли Жиззах шаҳар автомобилларга табиий газ хизмати кўрсатиш компрессорлик шаҳобчаси маҳсулотларни тежашда ибрат кўрсатмоқда.

Жамоа шу кунларда 500 автомашинани табиий газ ёқилғиси билан таъминлашга имкон топмоқда. Шохобча раҳбари М. Комиловнинг айтишига қараганда, автохўжаликлар газдан фойдаланишга ўтгандан кейин катта иқтисодий фойда кўрмоқда. Ҳар бир машина ўртача 100 километр ҳисобига 200 сўмдан фойда келтирмоқда. Ғалла ўрим-йиғим терими дамларида автоуловлар ва Жиззах шаҳрида қатнайдиган автобуслар навбатсиз газ билан таъминланмоқда. Келажакда бундай имконият янада кенгаяди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Ишбилармонлик

ШЎРЧИЛИК «ЧОПАҒОН»

*СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Кўпкари чопганни «чопағон» дейишади. Бир вақтлар 500 отлиқнинг ўртасидан «Жигули» айирган мазкур чопағон Тўрахўжагелдиев бу борада 48 ёшида «рекорд» ўрнатди. У бутун бошли фабрикага эгалик қилган полвон бўлиб тилга тушди.

Хўжагелдиев Шўрчи туман пилла тайёрлаш идорасида бошлиқ эди. У катта ишга «от солди». Хом ашёни тайёр маҳсулотга, тайёрлов идорасини фабрикага айлантирди. 1,5—2 йилда 2000 киши ишлайдиган, ўзлари тайёрлайдиган пиллани йигириш, тўқиш корхонасига айлантирди. Қурилишга ўзи бош бўлди. Хайрли иш барокот ёғдирди. Пиллани йигириб сотишдан даромад кела бошлади. Пилла пулини идора, вилоят туманлари ўртасида биринчи бўлиб ўзди. Шўрчида одамлар яна тут кўчатларини ўстира бошлашди.

Олимжон УСАНОВ.

Қўшма корхона

«САРАТОН» — ЯНГИ НАВ

*ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Ўтган йили Тошкент тамаки фабрикаси жамоаси Буюк Британия ишбилармонлари билан қўшма корхона очиш ҳақида шартнома имзолагандилар.

Қисқа вақт ичида дастлабки маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «ЎзБАТ А. О.» қўшма корхонаси янги технология асосида «Саратон» навли сигарета ишлаб чиқармоқда. Бу фильтрсиз сигарета бўлиб, қутиларининг шарқона безаклари диққатни тортади. Қўшма корхона йил охиригача 12 миллион қути сигарета ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпти. Йилнинг 4 чорагидан бошлаб эса фильтрли сигареталар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш мўлжалланган.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Мустақиллик манзаралари

Чорсунинг бугунги жамоли.

Абдувохид ТЎРАЕВ олган сурат.

ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Жамиятда фаровонликни қарор топтириш вазифаси кишидан амалга оширилган ишларни пухта сарҳисоб қилиш, келажак режаларини аниқ тасаввур этиш ва шу мақсадни амалга ошириш учун ўзини тўлалигича бағишлашни талаб қилади. Ўз элининг чин фидойиси бўлган, ижтимоий ривожланиш қонуниятларини бутун қамрови билан англайдиган, ижодий изланишлари билан ўзига хос мактаб яратган давлат арбобигина бунга қодир бўла олиши мумкин, холос. Бу фикрнинг ҳақиқат эканлигига Президент Ислом Каримовнинг куни кеча «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини мутолаа қилиб ишонч ҳосил этиш мумкин.

Бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини мантиқий равишда тақозо қилувчи қисмлардан-- «Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» ҳамда «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари» каби боблардан иборат бу китоб ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтириш, жамиятни маънавий-ахлоқий янгилаш ва тараққий эттиришнинг назарий ва амалий масалаларини белгилаб бериш ва ҳал қилишга бағишланган.

Китоб, менинг назаримда, хусусан қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Биринчидан, бугун республикамизда иқтисодий ислоҳот ҳам кўлам, ҳам моҳият жиҳатидан чуқурлашиб бораётган бир пайтда барча фуқароларимизга ушбу жараённинг хусусиятларини, унинг ижтимоий табиатини, ижтимоий-сиёсий мақсадини, мазмунини аниқ-равшан тушунтириб бериш керак. Режа ва уни амалга оширишнинг босқичлари ҳамда воситалари қанчалик аниқ ва тушунарли бўлса, уни рўёбга чиқариш ҳам шунчалик осон бўлади ва халқ томонидан қўллаб-қувватланади. Шу жиҳатдан мазкур китоб улкан илмий дастур ролини ўйнайди, миллионлаб кишиларни улуғ мақсадларни амалга оширишнинг зарурлигига ишонтиради, уюштиради ва йўлга бошлайди.

Иккинчидан эса, Ўзбекистон ўз тараққиёт ва истиқлол йўлидан борар экан, бу йўлда ҳал қилинмаган, синаб кўрилмаган, аввал дуч келинмаган жуда кўп иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий муаммолар мавжуд. Бугун бизнинг иқтисодий-ижтимоий фанларимиз мана шу муаммоларни тадқиқ этиш, ҳал қилиш бобида умумметодологик қараш ва назарияга эҳтиёж сезмоқда эди. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби иқтисодиёт ва жамиятшунослик илмида шундай янгилик бўлдики, мазкур фанларнинг бундан кейинги тараққиёти ва равнақи бу асар билан узвий равишда боғланади ва ундан келиб чиқади.

Китобнинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, унда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи таҳлил қилинган, умумлаштирилган. Муаллиф иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш механизми, улар ҳуқуқий негизининг барпо этилиши, давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, аграр муносабатларнинг янги турини ташкил этиш, институционал ўзгаришлар ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш, нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини яратиш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш, ишончли ижтимоий кафолатларнинг таъминланиши, халқнинг маънавий-руҳий тикланиши -- иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий негизи эканлигини таъкидлайди, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши— ислоҳотлар биринчи босқичининг энг асосий якуни эканлигини таҳлил қилар экан, улардан -- ўз ишига жавобгарлик руҳи билан қарашга, ўз фаолиятини таҳлил қилишга, ҳаётий сабоқлар чиқариш руҳида тарбиялайди. Ҳар бир фуқаро ўзига-ўзи жавобгар бўла олгандагина у ўзида умумватан масъулиятини ҳис қила олади, замон билан ҳамнафас қадам ташлашга ўрганади.

Айни вақтда республикамизда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини ўзига хос тарзда енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, юртимизнинг ўзига хос шароитларини ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар китобда ихчам, аниқ илмий мантиқ билан тадқиқ этилади. Китобни мутолаа қилар экансиз, мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, яъни нарх-навони эркин қўйиб юборишнинг эсанкиратадиган механизмидан воз кечиб, аксинча, улгуржи ва чакана нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш, эркин нархларда сотиладиган товарлар доирасини кенгайтириш йўлини изчил амалга ошириш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни иқтисодий ўзгаришнинг энг муҳим бўғини деб белгилаш, ислоҳотнинг ҳуқуқий негизини ўзимизга хос ёндошувда яратиш, мулкчиликнинг ҳамма шакларига тенглик нуқтаи назаридан қараш ва мулкчилик масаласини ҳал қилиш, бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши эканлигини эътироф этиш, давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига босқичма-босқич кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш дастлабки ва муҳим натижалар бера бошлаганига амин бўласиз. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатлар яратиш, маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб чиқаришни фондлаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилиши, капитал бозорининг ишлашини таъминлашга хизмат қилувчи тузилмаларни вужудга келтириш, даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиш, фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотга тайёр бўлиши мумкинлигини теран англаш каби ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва руҳий омиллар бу соҳада катта аҳамият касб этди. Мустақил Ўзбекистонни орттирган тажрибалардан бевосита фойдаланмоқдалар. «Янги ўй қурмай туриб эскисини бузманг», «Етти ўлчаб бир кесайлик» тамойилидан келиб чиқиб фаолият юритаётган республика Президенти бугун халқаро ҳамжамият тан олган обрўли ва эҳтиёжли давлат раҳбари бўлиб қолди.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида

Китобда Ўзбекистоннинг ўз давлатчилик йўли -- сиёсий ва иқтисодий қурилишда сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйганлиги объектив ҳақиқат сифатида асосланади ва унинг бундан кейинги ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт йўналишлари белгилаб берилади.

Муаллиф иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари сифатида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади:

--хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш;

--макроиқтисодий барқарорлаштиришга эришиш;

--миллий валюта қадрини ошириш;

--чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш;

-- кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш. Бу масалалар тадқиқи орқали Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт йўлига эга эканлиги яна бир марта таъкидланади. Китобда мазкур вазифалар ва устивор йўналишларнинг белгиланиши жуда муҳим методологик ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

Назариётчи И.Каримов томонидан китобда қайд этилган асосий вазифалар ва устивор йўналишлар амалиётчи И.Каримов томонидан бениҳоя пухталик ва аниқлик билан ҳозир бажарилаётган, эртага ва истиқболда амалга ошириладиган реал ишларда ифода топмоқда. Бунда биринчи ва асосий вазифа -- давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш бўлиши керак, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш махсус ишлаб чиқилган тармоқ ва минтақавий хусусийлаштириш дастури асосида амалга оширилиши, хусусийлаштириш бўйича барча ишларнинг марказий тармоқ, умумреспублика даражасидан ҳудудий даражага кўчирилиши, йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламда ҳиссадорликка ўтказиш, деҳқон хўжаликларини зарур миқдорда ташкил этиш ва уларнинг барқарор ишлашлари учун шароит яратиш каби масалалар эса бу дастурнинг аниқ ижроси бўлмоғи керак, деб уқтиради муаллиф. Масаланинг бунчалик аниқ ва равшан қўйилиши вазифани ҳал этишнинг, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтаришнинг муҳим омилидир.

Ислом Каримов макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишнинг стратегик воситаси устивор ҳисобланган етакчи асосий тармоқларни белгилаб олиш, уларнинг шакланишига ёрдам кўрсатиш, мувозанатга келтирилган монетар сиёсатни асосий тармоқлар ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга кўшиб олиб боришдан иборат эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда миллий валютамизнинг ўрни ва роли бениҳоядир. Китобда муаллиф миллий валютамизнинг қадрини кўтаришнинг объектив ва субъектив заминларини белгилаб, қуйидаги фикрларни олға суради: валютамиз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади; валютанинг барқарор амал қилиши, эркин алмашинуви етарли валюта заҳираси бўлишига боғлиқ; ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини қадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади; миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти -- инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказиш лозим. Реал ҳаётий асосга эга бу принциплар ислоҳотларнинг чуқурлашувида жуда катта аҳамият касб этади.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ўтиш даври давомида бутун халқ хўжалиги структурасини туб қайта қуришдан иборатдир. Бунда шундай бир структурани вужудга келтириш зарурки, у барча ресурсларимизни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилсин. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида юртимизда демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган.

Теран ва оташин ватанпарварлик ҳисси, буюк келажакка ишонч туйғуси билан яратилган бу китоб ҳар бир зиёли фуқаро, ҳар бир китобхон қалбидан муносиб ўрин эгаллаши шубҳасиз. Мамлакатимизда изчил суръатлар билан бораётган ислоҳотлар эртага қандай мевалар бериши яққол кўриниб турибди. Оқибати олдиндан англанилган улуғвор режалар, бу йўлдаги фидокорона меҳнат халқнинг бахти, ёруғ келажагидан далолат беради. Шу жиҳатдан ҳам ҳурматли Президентимизнинг бу китоби миллионлаб ватандошларимиз учун тараққиёт ва фаровонлик дастури бўлиб хизмат қилади.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

БУТУНДИР, ТУРКИСТОН, БУТУНДИР!

АНДИЖОН — ЎШ: АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Андижонда республикамизнинг шу вилояти ва қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилояти раҳбарлари учрашуви бўлди. Унда иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда вилоятлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, ҳозир Асакада қурилаётган «ЎзДЭУавто» автомобиль заводига бутловчи деталлар етказиб бериш учун Ўш вилоятидаги ҳозир бекор турган бир қанча саноат қувватларидан фойдаланиш тўғрисидаги дастлабки аҳдлашувга эришилди.

Вилоят маъмуриятининг бошлиғи Жониш Рустенбеков бошчилигидаги Ўш вилояти меҳнаткашлари делегацияси «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасида бўлди, вилоятдаги янги қурилишларни кўздан кечирди, шунингдек, Андижон туманидаги Абдухалил Исмоилов номидаги жамоа хўжалигида, Андижонда қурилаётган теннис майдончаларида бўлиб, Боғишамол дам олиш зонасидаги меъморий-тарихий ёдгорликда буюк Бобурга ўрнатилган ҳайкал пойига гул қўйди.

Ўш вилояти делегацияси сафарида Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов ҳамроҳлик қилди.

МОДДИЙ ЁРДАМ МАЖЛИС МУҲОКАМАСИДА

Алматида Германия Федерал ҳукуматининг Қозоғистон немисларига 8 миллион немис маркаси миқдорида ёрдам кўрсатиши юзасидан тузилган Қозоғистон ва Германия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Германия ҳукумати вакили Вальтер Присницнинг таъкидлашича, мажлисда иккала томон ҳам Қозоғистонда яшаётган немисларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётини яхшилаш учун ҳаракат қилиши лозимлигини қайд этган. Мажлис давомида Германиядан келаётган инсонпарварлик ёрдамидан бож солиқлари олмасликка келишилди.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тожикистонда доридармонлар ишлаб чиқарадиган йирик «Тожик — ажинтс фарма лимитед» Тожикистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси ташкил этилди. Шу мақсадда Ҳиндистон ҳукумати Тожикистонга 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Қўшма корхона 28 турдаги дори-дармон ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Дастлабки маҳсулотни шу йилнинг август ойи охирларидан ишлаб чиқарилиш кўзда тутилмоқда.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Германия фуқаролари Қирғизистондаги эҳтиёжманд оилаларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Куни кеча Германиядан 2 минг тонна ун ва 200 тонна кунгабоқар ёғи ортилган автомашиналар Қирғизистонга етиб келди. Мазкур озиқ-овқатларнинг барчаси Ўш ва Жалолобод вилоятларига мўлжалланган.

Кейинги икки йил ичида Германия жамоат ташкилотлари Қирғизистонга 3 миллион немис маркаси миқдорида доридармон, озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурилиш материаллари тортиқ қилдилар.

(Марказий Осий ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Партия ва ҳаёт

ОҚ ЙЎЛ ОЛГАН ЯНГИЛИК

ЎзХДП Собир Раҳимов туман ташкилотлари котиблари, қорхона ва муассаса раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 11-Чуқурсой сайлов округида ҳудудий партия ташкилотини тузиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов туман кенгаши биринчи котиби Шкурат Асомов шундай деди:

— Президентимизнинг Олий Мажлис сессияларидаги маърузаларидан ва бугунги кўппартиялилик шароитидан келиб чиқиб партиявий ишимизни тубдан ўзгартириш лозимлигини англадик. Ишимизни шунга қараб белгилаб оляпмиз. Жойлардаги бошланғич партия ташкилотларини сақлаб қолган ҳолда янги тизим бўйича ҳудудий партия ташкилотларини тузяпмиз.

Йиғилишда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ҳотам Абдураимов туман партия кенгаши олиб бораётган ишларни маъқуллаб, янги тизим Олий Мажлис депутатларини сайловчилар билан боғловчи бўғин бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ХДП аъзоларига қарата мурожаатнома қабул қилдилар. Шунингдек, 11-Чуқурсой сайлов округи ҳудудий партия ташкилоти котиби сайланди.

Партия фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л.Ғуломов ва Собир Раҳимов тумани ҳокими К.Тошпўлатов қатнашди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ ШОИРИ «ҲОРМАНГ»ГА КЕЛДИ

Абдулла Орифнинг юртдошларига меҳри ўзгача. Шул боис ҳам чироқчиликлар Олий Мажлис депутатлигига 233-Бешчашма сайлов округидан Абдулла аканинг номзодини танлаб якдил овоз беришган. Айни бугдой ўроғи қизиган паллада Абдулла Орипов ўз сайловчилари билан учрашиш учун «ҳорманг, бор бўл» қилгани Чироқчига келди. Чиялининг киндигидан отилиб турган жаннатий сарчашма бўйида кўкка бўй чўзган чинорлар тагида туман фаоллари ва сайловчилар билан учрашув бўлди. Айни тушликда ҳамма даладан келганди. Уст-бошидан чанг ва ғуборни қоқиб Абдулла аканинг оғзига қараб турарди. Халқ шоири юртдошларини тўпланаётган катта хирмон билан қутлади.

Юртнинг ардоқли шоири маънавият бобида туманда олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар билан ҳам танишди. Жаҳонгир Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан унинг боболари яшаб ўтган Қалқама воҳасида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди. Лангар ота тарихий обидаларини зиёрат қилди.

Шундан сўнг Абдулла ака Лангарнинг энг сўлим оромгоҳи Бошман булоқ бўйида бир пиёла чой устида, булбуллар хониши жўрлигида йиғилганларга янги шеърларидан ўқиб берди. Бошман булоқ тарихини тинглаб хаёлга толди. Бол таъмини берадиган чучук ва минерал сувли булоқни очган лангарлик Бошман Бобомуродов урушга кетиб, жангу жадал қаридан омон қайтмаган. Булоқ қўшиғи ўша Бошман умрининг абадийлик қўшиғи бўлиб, сира тўхтамайди. Абдулла ака беихтиёр мана бу тўрт сатрни ўқиб юборди:

Бошман булоқ, Бошман булоқ,
Сенга кўзу қошман булоқ.
Сувингдан бир тўйиб ичдим.
Энди мангу ёшман, булоқ.

Абдулла Орипов яна бир истак билдирди. Навбатдаги келишида уйида сақланаётган Обизамзам сувидан келтириб Бошманбулоққа қўшмоқни ният қилди. Токи бу чашма ҳаннат чашмаси бўлсин. Шоир яна Маккайи мукаррамадан келтирилган Пайғамбаримиз таърифи-тавсиф қилган мушк анбардан йиғилганларнинг юзкўзларига суртиб қўйди. Бутун теварак атрофни мушк-анбар ҳиди тутиб кетди. Қош қорайганда Лангар тоғлари қўйнидан яна Чироқчи марказига қайтдик. Чироқчида чироқлар ёнган, яқинда ишга туширилган фавворалар атрофида оналар ва болалар сайр қилиб юрарди. Одам гавжум, тунги дўконлар ишлаб турибди. Қувониб кетдим. Чироқчи шаҳарга ўхшаб бормоқда. Депутат тумандаги оналар ва болалар аҳволи билан ҳам қизиқди.

Ҳа, бу дунё шон-шавкати — оналар оёғининг гарди поки олдида беқадр. Юртнинг ардоқли шоири Абдулла Ориф ўзидаги энг нодир ҳислатлар, юртпарварлик ва элпарварликнинг дониш туйғуларини биз чироқчиликларга юқтириб, баракали ҳирмон устида қайта учрашажагини ваъда қилиб Тошкентга қайтди...

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛОТ

Пахта, пахта толаси, пахта калавасини

СОТИБ ОЛАДИ

Пул ўтказиш йўли билан ва накд пулга:
— Германия ва Австрияда ишлаб чиқарилган музлатгич пештахталари;
— Озиқ-овқат, қандолат ҳамда вино-арақ маҳсулотларини

СОТАДИ

Маълумот учун телефонлар:

43-70-63, 43-33-63.

Ҳамкорлик

ҲИНДИСТОН САВДО КЎРГАЗМАСИ

Шу йил 15-21 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Ҳиндистон савдо кўргазмаси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонасида матбуот конференцияси ўтказилди.

-- Кўргазмани ташкил этишдан мақсад икки томонлама иқтисодий, савдо, маданий ва илмий-техникавий алоқаларни янада ривожлантиришдир, -- дейди Ҳиндистон ташқи савдо кўргазмаларини ташкил этиш бўйича масъул ходим жаноб Денеш Кумар.-- Тошкентта Ҳиндистоннинг 70 га яқин компания ва йирик фирмалари таклиф этилган.

Бугунги кунда Ҳиндистон республикамизга саноат моллари, дори-дармон ва турли матолар, чарм ҳамда пластмасса маҳсулотларини экспорт қилаяпти. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам Ҳиндистонни ипак газлама, органик кимё воситалари, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминламоқда.

Кўргазмада саноат моллари, насос, компрессор тўқув дастгоҳи, автомобиль, металлни кесиш дастгоҳи, телевизор, музлатгич, пойабзаллар ҳамда бошқа уй-рўзғор буюмлари намойиш этилади.

Кўргазма давомида ўзаро «Саноатни ривожлантириш» мавзуида семинар бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг экспертлари иштирок этадилар.

Ушбу тадбир икки мамлакат ўртасида савдо алоқаларини янада ривожлантириш ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ЧАНҚОВБОСДИГА НИМА ЕТСИН!

Ёз чилласи ўз кароматини кўрсатаётган ҳозирги иссиқ кунларда кимга қараманг ўзини соя-салқинга урган. Бундай қуёшли, ўта ҳароратли дамларда иссиғи ошган танга салқин, ҳузурбахш сувлар малҳамдек ёқиши сир эмас. Шу боисдан ҳар бир газ суви ёки музқаймоқ дўконига кирманг, кишилар билан тирбанд. Айниқса, ишчилар, талаба ёшлар, мактаб ўқувчиларини айтмайсизми? Улар ошнон емаса-емайдики, бироқ муздек ҳузурбахш сувдан қониб-қониб ичади. Буни ҳисобга олган навоийлик тадбиркорлар ҳар куни ўртача 580-600 деколитр салқин ичимликлар ишлаб чиқаришяпти. Қизилтепа, Хатирчи, Нурота, Навоий туманлари кичик корхона ва цехларида газли минерал сувлар, лимонадлардан ташқари «Фанта», «Фиеста», «Пепси-кола» дан қолишмайдиган «Райҳон» ва «Зира», «Ором» ичимликлари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

— Вилоятда ҳозир аҳоли зич яшайдиган ва саноат корхоналари яқин бўлган ўнлаб нуқталарда кечаю-кундуз чанқовбосди сувлар сотувиташкил этилган, — дейди вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Р.Шарипов. — Бу нуқталарда газли сувлар, мева шарбатлари ва компотларидан ташқари морс, квас харидлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Дейлик, Кармана нон комбинати ҳузурида ташкил этилган музқаймоқ ишлаб чиқариш кичик корхонаси қисқа вақт ичида аҳолига 11 тоннага яқин сутли, шакарли ва қаймоқли музқаймоқлар етказиб берди. Эндиликда Кармана музқаймоқлари саноатчилар шаҳри Навоийга ҳам ўзлуксиз етказиб бериляпти. Зарафшон, Учқудуқ, Зафарободда ҳам музқаймоқ тайёрлаш ва харид қилиш йўлга қўйиляпти. Шартнома асосида қўшни Бухоро, Самарқанд вилоятларидан ҳам чанқовбосди сувлар мунтазам келтирилмоқда. Бироқ бугунги талаб, иссиқ мавсум янада елиб-югуришни, салқин сувлар ва музқаймоқлар дўконларини купайтиришни тақозо этмоқда. Мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари буни унутмасликлари лозим.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақилликнинг тўртинчи йили мамлакатимиз ғаллакорлари учун баракали бўляпти. Мингминглаб гектар ғаллазорлар олтин бошоқларини ҳадя этиб турибди. Бу йил ҳосил чўғи мўлжалдагидан яхши. Айни пайтда келгуси ҳосил тақдири ҳам шу кунлардаги ғайрат-шижоатимизга, тадбиркорлигимизга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Гап уруғлик донни ўз вақтида жамғариш ҳақида боряпти. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Жумабой КЎЧКОРОВга ҳозирги долзарб палладаги ишларнинг бориши ва режалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— **Аввало ҳозирги паллада ғаллакорларимиз ишларининг бориши ҳақида қисқача тўхталсангиз.**

— Бу йил республикамиз бўйича 3 миллион 300 минг тонна ғалла етиштириш белгиланган. Ҳосил чўғи яхши, ҳатто биз кутгандан ҳам зиёда дейиш мумкин. Шундан давлатга 2 миллион 100 минг тоннасини сотиш белгиланган. Ҳозиргача уйилган хирмон 2 миллион 300 минг тоннадан ошиб кетди. Шундан давлатга 1 миллион 500 минг тоннаси топширилди. Мамлакатимизнинг чексиз ҳудудларида ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

— Пешқадам вилоятларни тилга олиб ўтсангиз?.

— Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари давлатга ғалла сотиш режаларинигина эмас, топширқларни ҳам бажардилар. Уларда ҳосилдорлик ҳам кўнгилдагидек бўлди. Масалан, Андижонда 44,6 центнерни, Наманганда 40,5 центнерни, Фарғонада 35 центнерни ташкил этди.

Республикамизда ҳаммаси бўлиб 1 миллион 348 минг гектар, шу жумладан 860 минг гектар суғориладиган майдонлардаги ҳосил ўрибйиғиб олиниши керак. Ҳозиргача 80 фоиз майдонлардаги ҳосил йиғиштириб олинди.

— **Халқимизда «Қиш ғамини ёзда е» ҳамда «Ҳосилинг кам бўлса, ҳаводан кўрма» деган нақллар бор. Келгуси йил ҳосили тақдирини ҳозирдан ўйлашимиз керак эмасми?**

—Ҳақ гапни айтдингиз. Мана, бу йилги ҳосилдорлик чакки эмас. Суғориладиган майдонларда у 30 центнерни ташкил этди. Биз сентябрь охири—октябрь бошларида кузги дон экишни бошлаб юборишимиз зарур. Ҳозир кўпгина вилоятларда ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экинлар экиш ишлари қизғин боряпти.

Шу сабабли ҳам уруғлик дон тайёрлаш энг долзарб ҳисобланади. Бу масала вазирлик диққат-эътиборида турибди. Жойлардаги аҳвол қаттиқ назорат қилинмоқда. Айтайлик, ишнинг кўзини билган тадбиркорлар ҳеч қандай ортиқча гапга ўрин қолдиришмаяпти. Хоразм, Фарғона, Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари шулар жумласидандир. Республикамиз бўйича жами 400 минг тонна буғдой ва арпа уруғлиги жамғариш белгиланган бўлса, ҳозиргача 235 минг тонна тайёрланди. Албатта, бу ҳол ўрим-йиғимни янада жадаллаштириш зарурлигини тақозо этиб турибди.

— **Қайси вилоятларда бу иш суст боряпти?**

— Самарқанд, Навоий, Сурхондарё вилоятларидаги кўрсаткичлар бизни қаноатлантирмаяпти. Чунки бу вилоятлардаги кўрсаткичлар республикамиз умумий кўрсаткичидан анча пастдир. Ҳолбуки, олтин бошоқлар пишиб, ўтиб кетяпти. Кучли ҳароратда бошоқларнинг тўкилиши юз бераяпти. Айрим жойларда нобудгарчиликларга ҳиятини чуқур тушуниб етмаслик оқибати, албатта.

— **Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш ташаббусини бошлаб берди. Юртбошимизнинг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек Президентимизнинг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари ғаллакорларига йўллаган табриклари ғалла мустақиллиги учун олиб борилаётган жасоратга янада суръат, шижоат қўшиб юборди, шундай эмасми?**

— Ёз чилласи қоқ авжига минган кезларда ғаллазорларни жасорат майдонига айлантирган юртдошларимизга тасаннолар айтсак арзийди. Ишнинг кўзини билган тадбиркорлар биронта ҳам олтин бошоқ ерда қолиб кетмаслиги учун жонини жабборга бериб ишлашяпти. Энди биргина истагимиз шуки, мавсумнинг кўпи кетиб ози қолди, шундай экан, қолган вилоятлар, туманлар, хўжаликларнинг раҳбарлари масъулиятни ўн чандон ошириб, биз юқорида тилга олиб ўтган масалаларга чуқур масъулият ҳисси билан ёндошсалар, нур устига аъло нур бўлур эди. Бу ерда масъулият сўзига алоҳида урғу бергим келади. Чунки бепоён ғаллазорларимизнинг ҳар қаричи уларга беш қўлдай аён: қаерда нима иш қилиш кераклигини улар биздан кўра минг марта яхшироқ биладилар. Мустақиллик шукуҳи, ер ўз эгасини топганлиги, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб катта хирмон яратиш учун астойдил бел боғлагани ютуқларимизнинг бош омилидир. Ўйлайманки, бу йил юзимиз ёруғ бўлади, айни пайтда келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам зарур ишларни бекаму кўст амалга оширамиз.

Суҳбатдош:
Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ҲОСИЛИНГ КАМ БЎЛСА, ҲАВОДАН КЎРМА

ЁКИ УРУҒЛИК ДОННИ ЖАМҒАРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ ХУСУСИДА

ҳам йўл қўйилмоқда. Агар ҳар куни режага нисбатан 2 фоиз миқдорида ғалла ўриб-йиғиб олинаётган бўлса, режани уддалаш учун 2 ҳафта вақт керак бўлади. Ваҳолонки, ёз чилласи айни авжига минган пайтда биз ҳосилни тезроқ жамғариб олмасак, кўп нарсани бой бериб қўямиз. Шунинг учун ҳам барча вилоятларда, туманларда бутун куч, техника воситаларидан ғоятда омилкорлик билан фойдаланиш лозим.

—**Уруғлик донни ҳам топширишга мажбур бўлаяпмиз, чунки зиммамиздаги топшириқ улкан, деган баҳонада уруғлик донни ҳам умумий «қозон»га солиб юбориш ҳоллари юз бераётгани ҳақида айрим ташвишли хабарлар қулоққа чалиняпти... Бу борада сизнинг фикрингизни эшитишни истардик.**

—Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил май ойидаги махсус қарорида келгуси — 1996 йил ҳосили учун уруғлик жамғариш борасидаги вазифалар кўрсатиб берилган эди. Агар республикамиз бўйича 400 минг тонна сифатли уруғлик жамғарилса, шундан давлатга 52 минг тоннаси топширилиши керак. Сиз жуда ўринли савол бердингиз. Айрим жойларда уруғлик жамғаришнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тушунишмаяпти ёки тушунишни истаишмаяпти.

Фарғона, Хоразм, Бухоро, Наманган ғаллакорлари бу йилги ғалла ўрим-йиғимини нечоғлик уюшқоқлик билан ташкил этган бўлсалар, уруғлик жамғаришга ҳам жиддий эътибор беришяптики, бу уларнинг келгуси ҳосилга ҳозирданоқ пухта замин яратаётганликларидан яққол далолат бериб турибди. Афсуски, Жиззах вилоятининг, Қашқадарё вилоятининг айрим хўжаликларида, Ғаллаорол, Чироқчи туманларининг баъзи хўжаликларида уруғлик донни ҳам умумий «қозон»га солиб юбориш яп. Бу масаланинг моҳияти чуқур ўрганилмоқда. Ислом Каримов макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишнинг стратегик воситаси устивор ҳисобланган етакчи асосий тармоқларни белгилаб олиш, уларнинг шакланишига ёрдам кўрсатиш, мувозанатга келтирилган монетар сиёсатни асосий тармоқлар ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга кўшиб олиб боришдан иборат эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда миллий валютамизнинг ўрни ва роли бениҳоядир. Китобда муаллиф миллий валютамизнинг қадрини кўтаришнинг объектив ва субъектив заминларини белгилаб, қуйидаги фикрларни олға сурадиҳ

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
МАРКАЗИЙ БАНК,
ЖАМҒАРМА БАНКИ,
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКСАВДО,
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

• Ҳаёт қўяётган муаммолар

ТЕЛЕФОН ГАРДИШИНИ АЙЛАНТИРАМАН...

• «Касал» телефонлар.
• Телефонда гаплашиш маданияти.
• Вақт — ғанимат.
• Япон меҳмон ҳайрон бўлди.
• Телефон хизматидаги ўзгариш.

Телефон гардишини айлантираман...

— Алло, ал-лё, ким бу? Ким керак?

— ...керак эди.

— Бошқа жойга тушиб қолдингиз.

Шу заҳотиёқ нариёқдан қисқа-қисқа товуш эшитила бошлайди.

Бундай ҳодиса ҳар биримизнинг ҳаётимизда кўп бор такрорланади. Ҳатто шундай бўладики, «бошқа жойга тушиб қолганингиз» учун сўкиш эшитасиз.

Нега шундай бўлади? Нега телефонларнинг техник нуқсони учун кайфиятимизни бузишга тўғри келади? Бу, эҳтимол, телефонда гаплашиш маданиятимиз етишмаслигидандир. Бу, эҳтимол, нафақат телефонда гаплашиш маданияти, балки умуммаънавий маданиятимизнинг кемтиклигидандир. Шу ўринда ҳар куни асабимизни бузадиган телефон хизмати соҳасидаги камчиликлар қанчалик бўлса, телефонда сўзлашувчи биз ҳам шунчалик нуқсонлимиз.

Телефонда гаплашишнинг кўнгилни хира қилувчи яна бир ҳолати мавжуд. У ҳам бўлса — телефондаги эзмалик. Бу ҳам телефонда сўзлашадиган кўполликдек маданиятсизлик белгиси. Ҳар биримиз кўп бор гувоҳ бўламиз: икки киши телефонни соатлаб банд қилади. Ҳар куни бир-бири билан кўришиб турадиганлар, бир ишхонада ишлайдиганлар, ҳатто қўшнилар ҳам соатлаб телефонда гаплашишади. Ваҳолонки, уларда дийдор кўришиш имкони мавжуд-ку. Уйда, ишхонада, кўчада тугамай қолган ғийбат, зарур-нозарур гап-сўз телефонда давом этади. Узун кундузлар қисқалик қилгандек, керак-нокерак гурунглар телефон симлари орқали тунларда ҳам давом этади. Бу пайтда ишхонада иш тўхтайди. Хонадонларда болалар қаровсиз қолади. Ҳатто газўчоқ ёниб туриши, дазмол қуйиши, қозондаги овқат тагига олиб кетиши мумкин.

Академик шоир Ғафур Ғулом машҳур «Вақт» шеърида «Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал» деб ёзади. Ана шундай тақдириломон лаҳзаларнинг қанчақанчаси телефон қутиларига сингиб, беиз йўқолиб кетади-я. Умр дафтарини шоҳ сатрлар-ла безашга арзирли қанчадан-қанча фурсат елга, йўқ, телефонларга сочилиб беиз йўқолади.

Бу ҳам майли. Телефон ҳар кимнинг ўз буюми. Ундан қандай фойдаланиш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Бир кишининг телефонда эзмалик қилишидан атрофдагиларга тушадиган «оғирлик» шуки, телефон алоқа йўналишлари зарур-нозарур пайтда банд бўлиб туради. Бир марта телефон қилсангиз — банд, икки марта телефон қилсангиз — банд, учинчи, тўртинчи марта ҳам шундай. Автобусда ишхонага етиб келгунингизгача асабингиз бир бузилган бўлса, ишхонадаги бундай ҳолатдан яна кайфиятингиз тушиб кетади. Тили бўлганда эди, эзмалардан телефон симлари ҳам дод деб юборган бўларди.

Дунё кўрган машҳур шоир гурунг беради: «Хорижда телефонда суҳбатлар ғоят қисқа бўлади: «Фалончи эшитади»дан кейин дарҳол мавзуга кўчилади. Ортиқча битта жумла ҳам ишлатмайдилар. Чунки, телефондаги ҳар дақиқа учун пул тўлашади».

Тўғри, ривожланган давлатлар деб аталаётган ўлкаларда ҳамма нарса пул билан ўлчанади. Балки, шунинг учун ҳам улар ривожланганлар. Балки, шунинг учун ҳам уларда телефонда гаплашиш биздагичалик муаммо эмасдир. Айниқса, жанубий вилоятларимизнинг бирор қишлоғи билан телефонда боғланишдан кўра Русия, Англия, АҚШ ёхуд ундан-да узоқроқ ўлкалар билан телефон алоқасини ўрнатиш осонроқ кўчади. Чунки, бу ерларда телефондаги ҳар бир сўз учун пул тўланаётир. Бизда эса — бепул...

Бир латифа эшитган эдим. Япон ўзбек ошнасининг уйига меҳмон бўлиб келибди. Қувончини сиғдиролмаган ўзбек меҳмондорчиликка қозоқ дўстини таклиф қилиш учун ён хонага ўтиб, Қозоғистонга телефон қилади. Одатдагидек, овоз жуда паст эшитилармиш. Меҳмонхонага қайтиб кирса, меҳмон, ким билан гаплашдингиз, — деб сўрабди. Қозоғистонга телефон, қилдим, деб жавоб берибди ўзбек. Япон эса Қозоғистон бўлса, деразадан бақирмасдан, телефонда гаплашсангиз ҳам бўларди-ку, деб ҳайрон бўлармиш.

Яқинда малакатимиз телефон хизматида катта, жудаям катта ўзгариш юз берди. Мавжуд ҳар бир абонементга уч дақиқа лимит берилади. Ундан ошса, ҳар бир телефон аппарати механик тарзда пул ҳисоблагичга уланади. Энди уч минутдан ошган ҳар бир дақиқа учун пул тўланади. Энди, марҳамат қилиб, телефонда гаплашишдан олдин ҳамёнингизни бир титкилаб кўринг.

Тўғри, бу янгилик бутун мамлакатимиз бўйлаб қўлланилаётгани йўқ. Фақат 36-АТСда шу тажриба синовдан ўтмоқда. Фуқароларнинг маблағига дахлдор ҳар қандай тажрибанинг синовдан муваффақиятли ўтишини назарда тутсак, яқин орада бу янгиликнинг кенг миқёсда қўлланишидан умид қилса бўлади. Режа бўйича бу янгилик шу йилнинг охиригача жорий этилиши керак.

Биз мазкур мақола билан телефонда сўзлашиш маданиятидан фалсафа сўқмоқчи эмасмиз. Бу ҳар кимнинг шахсий сифати, маданияти. Табиийки, ҳаётда ҳам, телефонда ҳам ҳар ким ўзига ёққандек гапиради. Аммо, яна бир жиҳати бор, яъни, кишини телефонда қандай гаплашишига кўра, унинг нечоғлик маданиятли, зиёли экани ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Телефон, асосан, XX асрнинг кашфиёти. Унда гаплашиш маданияти ҳам ана шу асрнинг маданият мезонлари даражасида бўлиши керак, паст эмас.

Кундалик ҳаётимизда ҳар биримиз телефон хизматидан қайта-қайта фойдаланамиз. Нотаниш-таниш, ёр-биродар ва дўстларимиз, хизматимизга алоқадор ҳамкорларимиз телефонда улар билан қандай сўзлашишимизга қараб бизга баҳо беришларини унутмайлик.

Шуни инобатга олиб, сиз азиз газетхонларни телефонда гаплашиш маданияти ҳақидаги баҳсимизга чорлаб, фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

...Телефон гардишини айлантираман...

Салим АШУР.

ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
1995-1996 ўқув йилининг кундузги ва сиртқи бўлимига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

1. «Бухгалтерлик» мутахассислиги бўйича.
2. «Тижорат фаолияти» мутахассислиги бўйича.
3. «Озиқ-авқат саноати жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш» мутахассислиги бўйича «Техник-механик».
4. «Техник-технолог»лар: а/ донни сақлаш ва қайта ишлаш б/ нон пишириш ва макарон ишлаб чиқариш ҳамда қандолат маҳсулотларини тайёрлаш бўйича.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:

Тўлиқсиз ўрта маълумот эгалари учун 9 (синф) 1-20 августгача;

1. Риёзиёт (математика) - (оғзаки)
2. Она тили — (диктант)

Ўрта маълумот эгалари учун қуйидаги фанлардан 10 августда тест синовлари ўтказилади:

1. Бухгалтерлик, тижоратчи ва техник-механик мутахассисларига кириш учун риёзиёт, она тили ва адабиётдан;
2. Технология мутахассисликларига кириш учун кимё, она тили ва адабиётдан.

Аризалар қабул қилиш:

1 июндан 20 июлгача (11 синф), 1 августгача (9 синф)

Техникумга киришни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ариза
2. Маълумоти ҳақида ҳужжат
3. Тиббий маълумотнома 086-У
4. Олтита сурат 3х4 см. ҳажмда
5. Меҳнат дафтарчасидан нусха (ишлаганлар учун).

Кундузги бўлимга кирганлар ётоқхона ва стипендия билан таъминланади.

Техникум манзилгоҳи:

Тошкент, 700187, 1-Қорасув ,1 «Б».

Автобуслар: 21, 49, 63, 73, 89 1- Қорасув бекати.

Қабул комиссияси.

ДИҚҚАТ!

КАФЕЛЛАРНИНГ

Ҳамма туридан бор!

Улгуржи харидорларга 30 фоизгача арзонлаштирилади.

Ҳақ тўлаш усули — турлича.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: **50-92-94, 50-83-54.**

МАНЗИЛ: **Усмон Носир кўчаси, 2-пр, 2. ТошКСМ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1995-96 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

1. Ҳамширалик иши: ихтисоси — тиббиёт ҳамшираси, ўқиш муддати 1 йилу 10 ой
2. Даволаш иши: ихтисоси — фельдшерлик, ўқиш муддати 2 йилу 6 ой

Ҳужжатлар 20 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари тест синовлари асосида: биология, она тили ва адабиётдан

10 августда ўтказилади.

Ҳамширалик иши бўлимига таянч маълумотга эга бўлган (9-синф) ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати 2 йилу 10 ой.

Ҳужжатлар 31 июлга қадар қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августда бошланади.

Кириш имтиҳонлари:

она-тилидан (диктант)

биологиядан (ботаника, зоология, анатомия) — оғзаки

Манзилимиз: 700064 Тошкент шаҳри, Боровский кўчаси, 8-уй.

Трамвайлар: 1, 2, 3, 5, 13, 25, 28 «Санъат музейи» бекати, Троллейбуслар: 5, 10, 17, 20 «Ташсовет» бекати.

Тошкент туманидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалиги 1995 йил 14 июнда

ТУГАТИЛДИ

ва унинг ўрнида «Ўзбекистон» корпорацияси ташкил этилди.Шуни маълум қиламизки, эндиликда ҳисоб-китоб ишлари корпорация орқали амалга оширилади.

Телефон: 24-59-36.

«БУРЧ»

масъулияти чекланган жамияти

— икки ишчи хизмат кўрсатадиган ғиштни пресслаш автоматлаштирилган машинасини;

шунингдек:

— шлакоблок машиналари;
— бетон қориш қурилмалари;
— сариёғ тайёрлаш учун қурилмалар;
— вибрация элаклари;
— 6—10 атмосферали ёритиш монометрларини

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Билиб қўйинг, бизнинг қурилмалар—Ўзбекистонда энг арзон асбоб-ускуналардир.

Тошкентдаги телефонлар: соат 17.00 гача 44-47-20, соат 18.00 дан кейин 44-48-20.

"МАРҒУБА ИНТЕРНЕШНЛ"

қўшма корхонаси

Россия резинотехника саноатининг йирик корхонаси — "Курскрезинотехника" акционерлик бирлашмасининг расмий дилери ҳамда Ўзбекистон Республикаси бозорига резинотехника маҳсулотларини етказиб берувчи вакили ҳисобланади. "Курскрезинотехника" акционерлик бирлашмасининг қуйидаги маҳсулотларини

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

— резина матоли конвейер тасмаси, узунлиги 95 м.гача, 3-5 қатламли;
— резина тросли конвейер тасмаси, узунлиги 300 м.гача;
—юқори босимли енглик (шланг), айланаси 10, 12, 16, 20 мм, узунлиги 150 м.гача, иш пайтидаги босими 28-16 МПа;
— ип ва металл спираль билан мустаҳкамланган енглик, шу жумладан, тракторлар, буғ ўтказиш, нефть ва бурғилаш ишларида фойдаланишга мўлжалланган енгликлар, айланаси 6 мм.дан 300 мм. гача, узунлиги 10, 20, 100 м; иш пайтидаги босими 4 МПа гача;
— А, Б, В, Г профилли (клиновий) узатиш тасмалари, узунлиги 630 мм. дан 4500 мм.гача.
— ясси узатиш тасмалари, узунлиги 23 м.гача;
— қуйма резинотехника буюмлари, шу жумладан, манжетлар, сальниклар, прокладкалар, зичлагичлар;
— рўзғорга мўлжалланган буюмлар.

Нархлар шартнома асосида.

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

1995—1996 йиллар учун буюртмалар тузамиз.

Бизнинг манзил: 700025, Тошкент, А. Қаҳҳор кўчаси, 48-"А" уй.

Алоқа учун телефон: **(3712) 54-06-11.**

Факс: **54-54-71.**

ФУҚАРОЛАР, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1995 йил 10 июндан бошлаб почта алоқасининг баъзи хизмат турларига янги тарифлар жорий қилинди.

ТЎЛОВ МИҚДОРИ (СЎМДА)

Почтадан жўнатилган нарсалар	МДҲ мамлакатларига		Европа, Осиё, Америка, Африка, Австралия	
	Ер усти транспортида	Ҳаво транспортида	Ер усти транспортида	Ҳаво транспортида
Почта карточкалари:				
оддий	6	9	10	15
буюртма	15	18	30	35
Хат:				
оддий	9	12	15	20
буюртма	19	22	35	40
қимматбаҳо	19	22	35	40
Вазни 20 граммгача бўлган бандероллар:				
оддий	6	10	10	15
буюртма	21	25	30	35
Вазни 100 граммгача бўлган майда пакетлар:	15	30	25	45
Буюртма учун тўлов	15	15	20	20

ДИҚҚАТ! ***Шу йилнинг 20 июнидан кейин жўнатилган почта карточкалари, хатларга янги тариф бўйича ҳақ тўланмаган бўлса, улар жўнатувчига қайтариб юборилади.***

Почта алоқасининг барча хизмати турларининг тўла тариф маълумотлари билан барча алоқа бўлимлари ва узелларидан танишишингиз мумкин.

ПОЧТА АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

"Ўзбекистон почтаси" концерни.

ЭРТАГА — ФРАНЦИЯ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ



14 июль — Франция Республикаси мустақиллиги байрами муносабати билан "COPACO" пахта компаниясининг самимий қутловини йўллаймиз.

"COPACO" 1862 йилда ташкил этилган бўлиб, Тошкентда ўзининг ваколатхонаси очилганлигини сиз пахтакорларга маълум қилади.

"Тўқимачиликни ривожлантириш компанияси"нинг "COPACO" фирмаси филиали ўзбек пахтакорлари билан ҳамкорликни тараққий эттиришларига ишонади.

Тошкент шаҳри.
"COPACO" ваколатхонаси.
Теле/факс: 54-82-36.

A l'occasion de la fête nationale Francaise du 14 jnillet, compagnie cotonnière "COPACO" transmet ses plus chaleureuses félicitations aux collegues et autoritets Ouzbeks.

Etablie depuis 1862 dans le commerce du coton, — "COPACO" — est heureuse de vous annoncer l'ouverture de son bureau de TASHKENT.

Compagnie Cotonniere, filiale du groupe "Coton et Développement" apporte sa contribution au développement de la filière cotonnière UZBEK.

Tasnkent,
Tel/fax: 54-82-36.

PARIS
vue Rivoli, 242.
Tel. (331) 44-58-16-17.
Fax. (331) 44-58-16-50.

В связи с празднованием национального дня независимости Франции 14 июля хлопковая компания "COPACO" передаёт свои искренние поздравления своим соотечественникам и узбекским коллегам.

Созданная в 1862 году "COPACO" счастлива Вас информировать об открытии своего представительства в г. Ташкенте.

"COPACO", филиал фирмы "Хлопковая компания развития текстиля" надеется на развитие наших взаимоотношений с узбекскими хлопкоробами.

Ташкент,
представительство "COPACO".
Тел/факс: 54-82-36.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Мен 1992 йилда бахтсиз ҳодиса туфайли иш вақтида 1-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Ишламайман. Шу вақтлар иш стажига қирадими?

Х. ЮНУСОВ, Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 1 июлдан кучга кирган пенсия ҳақидаги Қонунига асосан сиз меҳнат ногирони бўлганингиз учун ишламайдиган даврингиз ҳам иш давомийлигига киритилади.

* * *

САВОЛ: Қишлоқ хўжалигида узлуксиз 25 йил меҳнат қилдим. Ёшим 51 да. Пенсияга чиқишим мумкинми?

Ф. МАЖИДОВА, Бухоро вилояти

ЖАВОБ: Сиз Ўзбекистон Республикасининг пенсия ҳақидаги Қонунига асосланиб, албатта нафақага чиқишингиз мумкин.

* * *

САВОЛ: Мен суд орқали ажрашмоқчиман. Судга даъво аризаси берсам судлашишим учун қандай давлат солиғи солиши мумкин?

ЖАВОБ: 1994 йил 3 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат пошлинасининг ажрашиш ҳақидаги бандига кўра, агар биринчи ажрашиш бўлса, унда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи, иккинчи марта ажрашаётган бўлсангиз, унда энг кам маошнинг 120 фоизи миқдорида давлат пошлинаси тўлайсиз.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

● *Қадриятларимиз*

КАРНАЙЛАР НАЪРА ТОРТАВЕРСИН

Халқ орасида: «Карнайчидан пуф экан-да», деган ибора юради. Одамлар бирор мушкулотни ҳал этиш чоғида ўзаро: бу сенга осон бўптими, деган маънода шу иборадан кўпроқ фойдаланадилар. Наҳотки, олис-олисларга таралиб, тоғ-у тошлардан акс-садо тарқатувчи карнайни пуфлаш шунчалар осон бўлса? Назаримизда созданинг ҳаракатини кузатган кишини фикри ўзгариши табиий. Ўпканинг ҳапқириши-ю икки лунжни олмадек тирсиллаши жунбушга келиш аломати эмасми?..

Бундай ўйлаб қараса, карнай ҳам ўзбек миллий чолғу асбобларининг энг қадимийси экани маълум бўлади. Қизиғи шундаки, карнайчи асосан тантаналар, қувончли воқеалар, байрамлар, хайрли маросимлар, тўй-томоша-ю галаба чоғларида наъра тортиб, жар солади. Балки, жаҳон созлари орасида карнайдайин узун ва кучли овоз таратувчиси бўлмаса керак.

Одамлар бир пайтлари карнай-сурнайга эскилик сарқити деб қаралганини яхши эслашади. Ушанда миллий мусиқа ва қўшиқчилигимиз қайта ишланиб, унга оврўпача шакл беришга ружу қўйиш авжга чиққан эди. Яхшиямки, академик Юнус Ражабийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли азалий қадриятларимиз яна изга солиб юборилган эди. Ахир ушанда соҳибқирон бобокалонимиз ҳам сафардан зафар билан қайтганларида карнайлар наъра тортган эди-ку, деб ҳеч ким айта олмас эди-да.

Бундай созни қўлга олиш ва чалишни ҳам ҳар ким қилавермайди. Фақат Оллоҳ кўнглига солган кишиларгина ўзбекона ҳунаримизни эъзозлаб келмоқдалар. Шундай инсонлардан бири Абдурасул Ғуломов. Аслида чилангар оиласида дунёга келган Абдурасул моҳир карнайчилардан Абдукарим, Комил, Одил, Жўравой, Собир ака каби эл таниган созандаларга шогирд тушди. У чилангарлик билан бирга карнай чалишни ҳам қўймади. Чоғроқ давралардан катта майдонлар ва маросимларда устозлари қаторидан ўрин ола бошлади. Ундаги қобилиятни сезган Саидазимбой Саидрасулов филармонияга таклиф қилди.

Қарийб 30 йилдирки, шарқона шод-у хуррамликлар, маросимларда Абдурасул карнайчи хизматда. У Парижда XII жаҳон фестивалида иштирок этиб, халқимизнинг қадимий санъатини оламга ёйди. Польша бўйлаб ижодий сафар ҳам карнайчига катта обрў келтирди.

— Ёшликда олис-олислардан карнайнинг наърасини эшитиб қолгудек бўлсам, ўтиролмаслигим сирини энди сезгандай бўляпман, — дейди тошкентлик созанда. — Билмадим, Оллоҳданми шу созни эшитмасам, чалмасам туролмайман. Истиқлол бизга ўхшаш касб эгаларига ҳам қўл келмоқда. Нега десангиз янгича байрам ва анъаналар расм бўлмоқда. Айтайлик, «Наврўз», ҳайитлар, Конституция куни, қоланверса, улуғ айёмимиз — Мустақиллик байрамларида жону дилимиз билан тонг саҳардан жар солиб, одамларни чорламоқдамиз. Карнай пуфлаш ҳам ўзига хос меҳнат экани эгасига аён. Овози олисдан ёқимли экани ҳам маълум. Ҳамиша тўй ва байрамлар бўлаверсин. Карнайчилар толиқмай, наъра тортишаверсин, деган ниятим бор.

ТЎЛҚИН.

● *Бу — қизиқ*

РАҚСГА ТУШАЁТГАН ИЛОН

Яқинда Термиз шаҳридаги қўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қилаётган Муслима Алимованинг хонадонида кутилмаган воқеа юз берди, Хонадон меҳмони ором курсига ўтириб, ажойиб шарқона куй таралаётган магнитафон томонга ўгирилди. У аввалига магнитафон устидаги чипор илонни ўйинчоқ бўлса керак деб ўйлади. Бироқ, унинг мусиқа оҳанга мос рақсга эшилиб - эшилиб тушаётганини кўриб ханг-манг бўлиб қолди. Меҳмон шу пайт хонага кирган мезбонга ишора билан магнитафон томонни кўрсатди. Илонга кўзи тушган уй бекаси ҳушидан кетаёзди. Аёллар хонасидаги воқеадан воқиф бўлган хонадон соҳиби қўлига илинган супурги билан илонни ҳайдашга тушди. Рақсига халақит берилган илон бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Чори ТЎХТАЕВ.

● *Гиёҳвандлик — иллат*

ТАВБА ҚИЛМАГАЧ...

Жаноб Руденченко илгари ҳам орган билан «саломалик»ка борган ва «озгина» ўғирлик қилиб қўйгани учун уч йил озодликдан мосуво бўлган шахс. Бу сафар ҳам...

Хуллас, Константин Александровичга суднинг биринчи ҳукми аҚл бўла олмади. Қайтанга Руденченко деганлари энди «фаолияти»нинг янги қирраларини намойиш қила бошлади. Ўша фаолият асносида ички ишлар ходимлари билан иккинчи бор «саломлашиш»га тўғри келди. Аниқроғи... Гиёҳвандликка «ошна» тутинди.

Ўтган йилнинг 9 апрель куни Константин Александрович «марихуана» типига кирувчи 982 граммлик оғуси билан қўлга олинди. Асли Барнаул шаҳрида туғилган мазкур «қаҳрамон»имиз охир-оқибат ул «товар»ни пулламоқчи бўлганини тан олди.

Албатта, бу Руденченкога қимматга тушгани рост. Энди у шугина учун яна саккиз йил «дам олади»ган бўлди. Тавба қилмагач оқибати ана шу-да...

СИНГЛИСИНИ ҲАМ АЯМАДИ

1967 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Игор Слюнин деган «зот»нинг қилмишини жиноят деб аташ камлик қилади. Уни на Яратган ҳақ кўради, на бандаси. Воқеа ўтган йил ёз кунларидан бирида содир бўлган...

Ўша куни уйига маст ҳолда келган Игор шайтоннинг итоаткори эди. Аввал ит гўштидан тушлик ясамоқчи бўлиб хонадонидаги кучукчани сўйди. Сўнг уни тозалашга ёрдам бериш баҳонасида синглисини чақирди. Содда сингил акаси ёнига—ваннага киради. Аммо мияси мудҳиш ният билан тўлган Игор эндигина ўн беш ёшга тўлган ўз синглисига нисбатан шаҳвоний ҳирсга эрк берди. Алқисса сингилнинг ор-номуси ўз акаси, бир онадан туғилган жигари қўлида поймол бўлди. Маълум бўлишича, аблаҳ ака гиёҳванд бўлиб, тинтув қилинганида ундан 13 грамм «марихуана» моддаси ҳам топилди.

Дину диёнатни унутган бундай жигарбаннинг боридан йўғи яхши, албатта. Мирзо Улуғбек туман судининг ҳукми билан И. Слюнин ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳ. Эрмуҳаммад,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Шатранж оламида*

СОВРИН-У ЙЎЛЛАНМА МУБОРАК

Икки ҳафта давомида мамлакатимиз пойтахти Тошкент курраи заминимизнинг шахмат марказларидан бири бўлиб турди. Марказий Осиё республикалари ва Мўғулистондан келган 13 нафар эркак ва шунча аёл забардаст шахматчи ўз гуруҳларида ораларидан энг кучлисини сайлаб олиш йўлида ўзаро қаттиқ баҳс юритдилар. Боиси мусобақа низомига кўра кейинги босқич саралаш ўйинларига атиги биттадан ғолиб йўлланма оларди.

Тошкентлик халқаро гроссмейстер Александр Ненашев мусобақанинг биринчи ярмини олти имкониятдан 5 очко билан якунлаб, жадвалнинг энг юқори поғонасига чиқиб олди. Энди гап пешқадамликни ушлаб туришда эди. Катта майдонларда от суриб, фил ўйнатиш бобида катта тажриба орттирган Ненашев турнирнинг иккинчи ярмида суръатни хиёл бўшаштирсада, мақсад сари ишончлироқ йўлларни танлади: баъзан дуранг бўладиган вазиятларни четлаб ўтиб, қалтисликларга боришдан ўзини тийиб турди. Натижада кейинги олти учрашувнинг учтасини ғалаба ва шунчасини дуранг билан якунлади. Бинобарин, 12 имкониятдан 9,5 очко жамғарган. Яъни уч учрашувни ютиб, 5 тасини дуранг қилган ва битта ҳам ўйинни бой бермаган А.Ненашев юксак унвонига яраша мавқеини эгаллади: биринчи ўринни ва низомга кўра жаҳон шахсий биринчилигининг келгуси йили Ереванда ўтказиладиган минтақаларо турнирига ягона йўлланмани қўлга киритди.

Ундан 1,5 очко ортда қолган республикамиз чемпиони самарқандлик халқаро мастер Шуҳрат Сафин иккинчи, 7,5 очко жамғарган чиройлик миллий спорт устаси Сайдали Йўлдошев учинчи совриндор бўлди.

Эркаклар турнири асосан вакилларимиз ютуғи билан якунланган бўлса, аёллар мусобақасида бошидан охиригача қозоғистонлик шахматчилар пешқадамликни қўлдан бермадилар. Улар орасидаги ягона гроссмейстер Эльвира Сахатова баҳс ўрталарида улоқни қўлдан чиқараётгандай бўлди-ю, лекин кейин унга етиб олиш рақобатчиларнинг қўлидан келмади. У ҳам Ненашевга ўхшаб 12 имкониятдан 9,5 очко жамғарди ва шу йил сентябрь ойида Молдавияда ўтадиган жаҳон биринчилиги минтақаларо турнирига ягона йўлланма ҳамда бош совринни билан тақдирланди. Ундан 1 очко ортда қолган Флюра Ускова-Ҳасанова иккинчи, туркманистонлик Меҳри Овезова учинчи, Ўзбекистон чемпиони Ольга Ким тўртинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақанинг ёпилиш куни иккала турнирда ҳам жадвалнинг биринчи ярмидан жой олган иштирокчиларга бош ҳомийимиз — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таъсис этган мукофотлар топширилди. Чунончи, эркаклар турнирининг ғолиби А.Ненашев 2400 АҚШ доллари, аёллар турнирининг ғолиби Э.Сахатова 1200 доллар билан тақдирланди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг биринчи вице-президенти, халқаро ҳакам.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги масъулияти чекланган «Раҳимжон» фирмасининг думалоқ муҳри, штампи ва тегишли ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Фирма ушбу эълон чиққан кундан бошлаб ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактаб томонидан Дилнора Маҳмуджоновна Аҳмедова номига берилган АУ № 314197 рақамли йўқолган аттестат БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти жамоаси институтнинг собиқ илмий ходими **Абдувохид ШОКИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» концерни жамоаси Янгиер шаҳар почта алоқаси бўлимининг бошлиғи **Татьяна Михайловна ПЕТРОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-75-43; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90; Тошкентда — 33-54-55; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 26-37-16; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.* 1 2 3 4 5 6.